Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган. № 207 (6. 996) 1989 йил 9 сентябрь, шанба Баҳоси 3 тийин

Биродарлашган шаҳарлар дўстлиги

Ҳамкорлик йўлидан

⊙ Кеча Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси Ҳ. Ҳ. Ғуломов ва Карочи (Покистон) ҳокими Муҳамад Фарруҳ Саттор ўзаро бир-бирини тушуниш тўғрисидаги меморандумни имзоладилар. Бу ҳужжат халқ депутатлари Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети билан Карочи муниципал корпорациясининг турли соҳаларда ҳамкорлик қилишга тайёр эканликларини ифодалайди.

Бинобарин бундан буён урду, ўзбек тилларини ўрганаётган студентларни, тарих, архитектура, дин бўйича китоб нашрларини айрибошлаш, бадиий адабиётларни планлаштириш, Тошкент ва Карочи медицина ишида тўпланган тажрибаларни ўрганиш мақсадида врачларни, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети ва Карочи муниципал корпорацияси фаолияти тўғрисидаги ахборотларни айрибошлаш мунтазамлик касб этади, спорт соҳасида алоқалар ўрнатиш ҳам режалаштирилди.

— Инсон ўзи ўйлаган орзуларни бажариш унга насиб этмаслик ҳоллари тез-тез юз бериб туради, — деди меморандумни имзолагандан сўнг Муҳаммад Фарруҳ Саттор. — Бу режаларни унинг ворислари амалга оширишади. Лекин мен шуни мамнуният билан қайд этаманки, бизлар Тошкент билан Карочи ўртасида дўстона алоқаларни тиклаш зарурати етилганлиги туфайли уни реал ҳақиқатга айлантиришга эришдик.

Меморандум имзоланишини шарҳлаб, Муҳаммад Фарруҳ Саттор айтдики, бу нарса Карочи билан Тошкент ўртасидаги биродарлик алоқаларида катта умидлар тугдирмоқда. Бунинг боиси бор, албатта. Чунки Тошкент Покистон пойтахтининг ҳисоб бўйича иккинчи биродарлашган шаҳридир. Биринчи бундай шаҳар Хитойнинг Шанхай шаҳридир.

Жаноб Сатторнинг фикрича, Тошкентни ривожлантириш тажрибаси муниципал корпорацияси иши учун жуда ҳам асқотиши мумкин. Масалан, Карочини бундан буён ривожлантиришни планлаштириш, Покистон пойтахтида метрополитен қурилишини режалаштириш шулар жумласидандир.

— Ўзбекистон билан Покистонни тарих, маданият, урф-одатлар ва анъаналар бир-бирига боғлайди, — деди Ҳ. Ҳ. Ғуломов. — Территорияларимизнинг ҳам бир-бирига яқин жойлашганлигини айтмайсизми? Бу нарсаларнинг ҳаммаси икки шаҳарнинг мустаҳкам иқтисодий ҳамкорлик ўрнатиши учун жуда ҳам яхши шарт-шароитлар яратади. Карочи ҳокимининг шаҳарларимиз ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш жараёни амалий ишларга бўлган муносабати менга жуда мақбул туюлди.

Шундай қилиб, дастлабки амалий қадам қўйилди. Иккинчи қадам Тошкент билан Карочи ўртасида ҳамкорлик Декларациясининг меморандумига қўшимчалар киритишдир. Унинг Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети раисининг Покистон пойтахтига келгуси йили жавоб сафари пайтида имзоланиши кўзда тутилмоқда.

⊙ СУРАТДА: Тошкент ва Карочи шаҳарлари мэрларининг учрашув пайти. Р. Шарипов сурати.

Ягона сиёсий кун

ЮТУҚЛАР ГАРОВИ

«Интизом ва уюшқоқлик — қайта қуришни муваффақиятли амалга ошириш гаровидир». Бу 8 сентябрда Ўзбекистоннинг ҳамма областларида бўлиб ўтган Ягона сиёсий куннинг мавзусидир. Партия ва совет ходимлари, хўжалик раҳбарлари саноат корхоналарининг, колхозлар ва совхозларнинг меҳнат коллективлари ҳузурида сўзга чиқиб мазкур район, шаҳар хўжалик меҳнатчиларини ҳаяжонга солаётган масалаларни ўртага қўйдилар.

Ишлаб чиқаришда меҳнат интизоми ва уюшқоқликнинг бўшашганлиги қайта қуришни муваффақиятли олиб боришга тўсқинлик қилаётган асосий сабаблардан бири, деб айтилди. Учрашувда иш вақтининг беҳуда ўтишига йўл қўйиб бўлмаслиги ҳақида гапирилди. Ҳозирги пайтда интизом тушунчаси сифатни яхшилашни, ишлаб чиқариш қувватларидан янада тўлароқ фойдаланишни, исрофгарчиликка қарши, хом ашё ва материалларни тежаш учун курашни ўз ичига олиши таъкидланди.

Сиёсий кунда агросаноат комплексини йиғим-терим мавсумига сифатли тайёрлашга алоҳида эътибор берилди.

Сўзга чиққан кишилар ҳозирги пайтда ҳар бир меҳнатчи, ҳар бир совет киши қайта қуришнинг муваффақияти ўз қўлида эканлигини, бу муваффақият кўп жиҳатдан уюшқоқлик ва интизомга боғлиқлигини тушуниб олиши зарурлигини таъкидладилар.

(ЎзТАГ).

Ҳамжиҳатликда гап кўп

Олий ўқув юртларида таълим ва тарбия жараёнининг ташкил этилишини таъминлаш, студентларнинг бидни олишлари, яшаш ва дам олишлари учун зарур шарт-шароитларни яратиш — ушбу вазифаларнинг ҳал этилиши бевосита олий мактабни такомиллаштириш, халқ хўжалигимиз ўткир эҳтиёж сезаётган юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш билан боғлиқ.

Кеча Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетида партия, комсомол органлари, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети, республика Халқ таълими министрлиги раҳбарларининг Тошкент олий ўқув юртларининг студентлари, ректорлари, партия комитетларининг секретарлари билан учрашувида ана шу ҳақда гап борди.

Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари А. И. Фозилбеков ўз нутқида студентларнинг (шаҳарда ҳозир 160 мингдан зиёд студентлар бор) таълими, тарбияси ва турмуши билан боғлиқ масалаларнинг муҳимлиги ва долзарблиги уларни ҳал этишнинг янги, янада самарали кўринишлари ва усулларини изланишни тақозо этади, деб таъкидлади. Жумладан, ўтган йилнинг охирида шаҳар партия комитети ҳузурида Студентлар шаҳарчасини социал ривожлантириш муаммолари бўйича мувофиқлаштириш кенгашининг ташкил этилганлиги шундай йўллардан бири бўлди. Унинг фаолияти ишларнинг аҳволи яхшиланиб бораётганлигида сезиляпти, аммо бу йўналишда ҳали талай ишларни амалга ошириш керак. Шу ўринда студентларнинг ўзи бу ишлардан четда қолмаслиги муҳимдир. Кучларни жипслаштириш, партия, совет, комсомол органларининг ва ёшларнинг кучғайратини олий мактабни қайта қуриш йўлида бирлаштириш, яқин алоқаларни ўрнатиш ва самарали ҳамкорликни йўлга қўйиш зарур. Масалан, шу таҳлитда: шаҳар ва корхоналарнинг маблағи ҳисобига студентларнинг кучи билан студентлар шаҳарчасида спорт комплекси қурса бўлади. Студентёшлар жиноятчиликка қарши курашга, илмий-техника ижодкорлигига ва ҳоказоларга жалб этилиши мумкин ва фаол қўшилиши лозим.

Шак-шубҳасиз, буларнинг ҳаммасига ҳамжиҳатлик ва ҳамкорлик йўли билан эришиш мумкин. Шунинг учун ҳам бундай учрашувлар зарур, улар мунтазам ўтказилиб турилиши керак, деб таъкидлашди кўпгина сўзга чиққан ўртоқлар. Ана шундай мулоқотлар чоғида вужудга келаётган муаммоларни оператив равишда аниқлаш ва ҳал этиш, биргаликдаги ҳаракатларни мувофиқлаштириш мумкин бўлади. Жумладан, Тошкент автомобиль йўллари институти 5-курс талабаси Б. Маҳмудов, политехника институти факультет комсомол комитетининг секретари У. Шукуров Тошкент Давлат медицина институти комсомол комитетининг секретари Н. Нажмиддинов нутқларида студентларни ётоқхоналар билан таъминлаш, шаҳар транспортини, студентлар ошхоналарини, уларнинг бўш вақти ва дам олишини ташкил этиш билан боғлиқ қатор муаммолар кўтарилди. Шу ва бошқа кўпгина саволларга олий ўқув юртлари ректорлари кенгашининг раиси, ТошПИ ректори А. Т. Жалилов, республика халқ таълими министри М. А. Зоидов, Тошкент шаҳар партия комитетининг секретари К. Р. Расулов жавоб бердилар. Шунингдек, йиғилганларга студентларни пахта теримига жалб этиш билан боғлиқ барчани ҳаяжонлантираётган савол юзасидан тушунтиришлар берилди. Бу йил республика Министрлар Советининг қарорига мувофиқ студентлар пахта теримига қатъиян кўнгилли равишда, 30 кундан зиёд бўлмаган муддатга шартномалар тузиш йўли билан жалб этилади.

Бундай учрашувларни бундан буён давом эттиришга қарор қилинди.

Шаҳрим—фаҳрим

Қўли гул меъморлар

Серқуёш Ўзбекистоннинг пойтахти — Тошкент шаҳри йил сайин ободонлашиб, чирой очиб бораяпти. Янги турар жой массивларининг меъморий қиёфаси зилзиладан сўнг дастлабки қурилган массивлар қиёфасидан кескин фарқ қилади. Бунда «Ташгипрогор» лойиҳа институти меъморлари ва конструкторларининг муносиб ҳиссаси бор.

Мазкур институт ярим асрдан зиёдроқ муқаддам, дастлабки ташкил этилган пайтларида ихчамгина бир устахона эди. Ўтган вақт ичида у фақат Тошкентдагина эмас, республикамизнинг бошқа шаҳарларида ҳам шаҳарсозлик масалаларини муваффақиятли ҳал этаётган юқори малакали мутахассислари бўлган қудратли ташкилотга айланди.

Цирк ва «Москва» меҳмонхонасининг, «Зарафшон» ресторанининг, «Меҳнат резервлари» спорт комплексининг, Чилонзор, Юнусобод, Сергели, Себзор ва бошқа турар жой массивларининг лойиҳалари шу ерда қоғозга туширилган. Метронинг «Ҳамза» ва «Чорсу» станциялари лойиҳалари ҳам «Ташгипрогор» институтида яратилган.

Институт коллективи «Москва» меҳмонхонасининг меъморий ансамбли учун СССР Халқ Хўжалиги Ютуқлари виставкасининг олтин медалига сазовор бўлган. Ҳозирги кунда «Ташгипрогор» Тошкент шаҳрининг бош қурувчиси ҳисобланади.



СУРАТЛАРДА: институтнинг етакчи учинчи устахонаси бир группа ходимлари (чапдан ўнгга) лойиҳа бош архитекторлари А. В. Лошкарев, А. Г. Хуршудов ва устахона раҳбари Т. Ю. Тошмуҳамедов. Уларнинг ҳар бири «Ташгипрогор» институтида кўп йиллардан бери меҳнат қилади; «Чорсу» массивидаги турар жой бинолари.

А. Горокрик суратлари (ЎзТАГ).

Америкалик сурат усталари кўргазмаси

Биродарлашган Сиэтл шаҳридан Ўзбекистон пойтахтига суратлар кўргазмаси келтирилди. Кўргазма «Интурист» маданият-ахборот марказида намойиш этилянти. Уни Сиэтл — Тошкент биродарлашган шаҳарлар комитети таркибига кирувчи кўргазмалар кичик комитетининг аъзолари Клэр Гарутт, Форан Мишель ва Ричард Леффел олиб келишди. Ўтган куни улар редакциямизда бўлишди. «Тошкент оқшоми» мухбири билан суҳбатда кўргазмалар кичик комитети президенти Клэр Гарутт шундай деди:

— Бизнинг суратлар кўргазмамиз биродарлашган шаҳарлар ўртасидаги алоқалар кенгайиб бораётганлиги, халқларнинг тинч ҳамкорлигини мустаҳкамлашда халқ дипломатиясининг роли кучайиб бораётганлигининг яна бир далилидир. Биз кўргазма тошкентликларнинг биродарлашган шаҳар ва унинг аҳолиси ҳаёти билан яқиндан танишишларига ёрдам беради, деб ўйлаймиз.

— **Клэр, суратлар кўргазмаси қандай ташкил этилгани ҳақида гапириб берсангиз.**

— Бунинг бутун бир тарихи бор. Розанна Ройер бошчилик қилаётган биродарлашган шаҳарлар комитетида тошкентлик биродарларимизни Сиэтлнинг ҳаёти билан қандай қилиб яхшироқ таништирсак, тошкентликлар ҳамма нарсани ўз кўзлари билан кўришлари учун нималар қилиш керак, деган масала ўртага қўйилди. Бизнинг ёрдамчи комитетимиз номи ҳам ана шундан келиб чиққан. Комитетимиз 1987 йилнинг февралида ташкил этилган. Биз Сиэтл сурат усталарига биродарлашган шаҳарлар ўртасидаги суратлар алмашувида фаол иштирок этишларини сўраб мурожаат қилдик. Сиэтл сурат усталарининг аксарияти даъватимизга фаол жавоб бериб, «Бунн ҳаёт дейдилар» шиори остида Сиэтя ҳақидаги фотоқиоянң ташкил этишда иштирок этиш ниятларини билдирдилар. Сурат усталари тақдим этган бадиий асарларни ёрдамчи комитетимиз кенгашининг беш аъзоси ва тўрт нафар рассомдан иборат махсус жюри кўриб чиқди. Ана шу ўзига хос конкурсда 15 нафар сурат устаси ғолиб чиқди. Уларга кўргазма учун Сиэтлнинг ҳаёти ҳақида ҳикоя қилувчи 70 суратни тайёрлаш топширилди. Бундай кўргазма бизда биринчи марта ташкил топди.

— **Кўргазмада асосан бадиий суратлар ўрин олган кўринади.**

— Ҳа, уларнинг аксариятини Сиэтлнинг ҳаёти ҳақидаги бадиий ишланган ҳужжатли суратлар ташкил этади. Намойиш тугагандан сўнг кўргазма Тошкентда совға сифатида, бизнинг маданий алоқаларимиздан далолат берувчи яхши ниятимиз ҳақидаги ҳужжат сифатида Тошкентда қолади.

— **Сиз суратларни алмашиш ҳақида гапирдингиз...**

— Сиэтл — Тошкент биродарлашган шаҳарлар комитети Тошкент сурат усталаридан ҳам худди шундай кўргазма олиш ниятида. Кўргазма келаси йили Сиэтлда ўтказиладиган Яхши ният ўйинлари бошланишидан олдин олинади ва мусобақалар вақтида биз билан биродарлашган Тошкент шаҳрининг ҳаёти ҳақидаги суратлар кўргазмаси намойиш этилади, деб умид қиламиз.

— **Демак, бизнинг тошкентлик усталаримиз бунга тайёргарлик кўришлари, ана шу вақтга қадар суратлар тили билан Ўзбекистон пойтахтининг серқирра ҳаёти ҳақида ҳикоя қилиб беришга улгуришлари керак эканда?**

— Биз суратқаш мухбирларингиз Тошкент ва тошкентликлар ҳақида қизиқарли суратлар кўргазмасини яратишади, деб умид қиламиз. Ҳозир эса барча тошкентликларни, шаҳар меҳмонларини ва албатта, сизларнинг сурат усталарингизни кўргазмамизга таклиф қиламиз.

Газетанинг шу сонига

«Чкалов» станцияси қачон очилади?

7 сентябрь пайшанба куни Тошкент шаҳар партия комитетининг бюроси метронинг «Чкалов» станцияси ёпилиши муносабати билан юзага келган аҳволни муҳокама қилди. Бу станцияга авиация заводининг заҳарли чиқиндилари сизиб кираётганлиги маълум. Метрополитен машинистлари поездларни шу станциягача ҳайдашдан бош тортганликлари хабар қилинган эди.

Хўш, қатнов яна қачон бошланади? Бу саволга жавоб бериш бошқа нарсага: заводнинг саноат ювинди сувлари бошқа, камроқ чиқинди тушаётган канализация коллекторига ташланиши билан боғлиқ эканлигини айтмоқдалар. Авиация бирлашмасининг бюро мажлисига таклиф қилинган раҳбарларидан баъзилари қатнов биринчи октябрда, баъзилари эса бешинчи октябрда бошланади, дейишди. Метро бошлиғи Ш. Шоабдураҳимов бир ноябрда бошланишини айтди. Шу вақтга қадар авиация бирлашмаси метро тоннели яқинида ювинди сувларни ушлаб қоладиган қудуқлар қазиш мажбуриятини олади. Метрополитен ишчилари ўз кучлари билан тоннелнинг пардозланган ердан тешиқ очишди, ана шу тешик орқали тўпланиб қолган ифлос сув ва газларни: хлорли водород, азот оксиди, аммиак сингари заҳарли моддаларни тортиб оладилар. Бу ифлос сув ва заҳарли моддалар қаердан келяпти? Буни ҳозирча айта олмаяптилар.

Кўрилаётган чора-тадбирлар ёрдам беради, деган умид бор. Лекин муаммо бутунлай бартараф этилишига ҳеч кимнинг ишончи комил эмас. Мутахассислар ҳатто станция ходимлари касаллиги сабабларини айтиб беролмадилар. Метрога нефть маҳсулотларининг ўткир ҳиди қаердан кираётганлигини, ифлослантириш манбаи қаерда эканлигини билмайдилар. Станцияга сизилиб кираётган қоришмалар авиация заводининг гальваника ишлаб чиқаришида пайдо бўлиши ҳеч мумкин эмас.

СССР Темир йўллар министрлиги мазкур масалани ўрганиш учун 120 минг сўм пул ажратди. Украина микробиология ва вирусология институти билан, Ўзбекистон гидрометеорология комитети, республика суд экспертизаси маркази билан бир қанча шартномалар тузилди. Москва институтларидан бири тоннелни заҳарли моддалардан ҳимоя қилиш учун алоҳида қоплама таклиф этди. «Ташметропроект» станцияни шамоллатиб турадиган лойиҳа тайёрламоқда. Тошкент политехника институти гальваника ванналарини маҳаллий тозалаш қурилмалари билан жиҳозлашни таклиф этмоқда.

— Ҳозирча эса авиация заводининг метро йўлагига яқин ерда жойлашган гальваника ишлаб чиқаришини тўхтатишга мажбурмиз, — деди республика Табиатни муҳофаза этиш давлат комитети раисининг ўринбосари В. Конохов. — Тўрт кундан кейин эҳтимол тутилган ифлослантириш манбаларининг иккинчисини, сўнг учинчисини ва бошқаларини ҳам тўхтатамиз. Экология муҳити ўзгараётганлигини ёки ўзгармаётганлигини кузатамиз. Эҳтимол, шу йўл билан айбдор цехни топиб олармиз.

Бюро мажлисида авиасозлар шаънига кескин танқидий фикрлар айтилди: янги тозалаш иншоотлари жуда суст-нашлик билан қурилмоқда. Тўғри, ҳозир ишларни жадаллаштиришди, лекин лойиҳани экологик жиҳатдан текширмай туриб, қурилиш бошлаб юборганларига анча бўлди, бунга эса мутлақо йўл қўйиш мумкин эмас. Энди Табиатни муҳофаза этиш давлат комитети идоралари ниҳоят лойиҳани кўриб чиқишди: унга жуда кўп муҳим ўзгартиришлар киритиш керак.

Мажлисга тўпланганларни батафсил техникавий далилларгина эмас, айни вақтда офат юз берган дастлабки дақиқалардаёқ нима учун қимирламадилар, деган асосий масала қийнарди. Чунки йўлакка излар ётқизилаётган пайтда хром бирикмалари бинокорлар этиклари ўйиб юборган эди. Буни ҳамма биларди, лекин ҳеч ким бонг урмаганди. Экологлар чора кўришни талаб этишар, завод эса ишлаб чиқаришнинг ўзига хослиги ва унинг мамлакат учун бўлган аҳамиятини пеш қиларди.

— Ер ости сувларининг булғанишида айбимизни инкор қила олмаймиз, — деди шаҳар партия комитети бюросининг аъзоси, авиабирлашма партия комитетининг секретари Г. Шевелева. — Афтидан метро лойиҳаларида ҳам камчиликлар борга ўхшайди. Бошқа бир қанча станцияларда ҳам ҳавонинг ифлослиги маълум. Ҳозир эски шаҳарга қараб метро йўли қуриляпти. У ерда ҳам худди шундай хатолар такрорланмасмикан?

Г. Шевелева метро машинистлари ҳоналари ноқулай эканлигига ишончи ҳосил қилган завод инженерлари меҳнат шароитини яхшилаш мақсадида бу ҳоналарни такомиллаштирадилар, деди. Меҳнат коллективи кенгашн бу йил тозалаш иншоотлари қурилишига 800 минг сўм қўшимча пул берди. Метрополитенга ёрдам бериш борасида бошқа тадбирлар ҳам кўрилмоқда.

Шаҳар партия комитети бюроси Чкалов номли бирлашма раҳбарлари — бош директор В. Журавлевга, унинг қурилиш бўйича ўринбосари Р. Тригуловга, бош инженер В. Каллга партиявий жазо берди. Масалани маҳорат билан, юқори даражада ўрганадиган ва катта ҳуқуқларга эга бўлган комиссия тузилди. Комиссияга В. Конохов бошчилик қилади.

Шундай қилиш зарур, чунки муҳокама юзага келган ҳолат учун жавобгар шахсларни идоравий тўсиқлар ажратиб турганлигини кўрсатди. Охир оқибатда худди шу нарса хавфли вазиятнинг вужудга келишига сабаб бўлди.

Комиссия иш бошлади. Ҳозирча эса «Тошкент» — «Чкалов» станциялари оралиғидаги қатнов тўхтатиб қўйилди.

Н. ШУЛЕПИНА,
ЎзТАГ мухбири.

ДАСТЛАБКИ ҚАДАМ ҚЎЙИЛДИ

«БИРЛИК» РАҲБАРЛАРИ БИЛАН СУҲБАТ ҲАҚИДА

6, 7 ва 8 сентябрь кунлари телетомошабинлар республикада кўпчиликка маълум норасмий ташкилот — «Бирлик» ҳаракати раҳбарлари билан бўлган суҳбатнинг гувоҳи бўлишди.

Аминмизки, ҳушёр томошабин кўрсатув қатнашчиларининг мулоқотга мойил эканликларини, уларнинг республика олдида турган муаммоларнинг тез ҳал этилишидан манфаатдор эканликларини пайқади.

Суҳбат мавзуи ҳаракатга байналминал руҳ бағишлаш ҳақида, миллатидан қатъий назар барча соғлом кучларни янгиланиш йўлида турган муаммоларга қарши курашда жипслаштириш ҳақида борганлиги умид бахш этади.

«Бирлик» раҳбарларининг 10 сентябрга белгиланган митингни бекор қилиш ҳақидаги даъвати амалий мулоқот сари биринчи қадам бўлди.

Ҳамжиҳатлик сари биринчи, давр руҳига жавоб берадиган қадам қўйилди. Кейинги қадам қандай бўлади? Бу ҳар биримизга боғлиқ.

ЙИГИРМАНЧИ ЧАҚИРИҚ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ ЎН БИРИНЧИ СЕССИЯСИНИНГ ЧАҚИРИЛИШИНИ ҚЎЧИРИШ ТЎҒРИСИДА

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Советининг ижроия комитети Тошкент шаҳар Советининг навбатдан ташқари ўн биринчи сессияси чақирилишини 1989 йил 15 сентябрдан 28 сентябрга кўчирилишини маълум қилади.

ШАНБА ОҚШОМИДА

Ҳикмат бир ҳовуч олтин

Ақл машъали

⊙ Меҳру-муҳаббат ва шафқат энг яхши тарбиячи эканини унутманг.

⊙ Хатони тўғри кўрсатиб, яхши йўлга чорлаган кишидан лангандек эҳтиёт бўлиш керак.

⊙ Раҳбарнинг талабини ота насиҳатидек тўғри тушуниб, уни ижро этиш фарз ҳисобланади.

⊙ Нодонлик ва сергапликдан юқумли касалликдан сақлангандек эҳтиёт бўлиш керак.

⊙ Одам яхши гул ҳидидан хушнуд бўлгани каби, сўзи ширин, дилкаш кишиларни севиб, унга доим интиламиз.

⊙ Ёмонлик билан муродга етиб бўлмайди, етилганда ҳам у омонат бўлади.

⊙ Бир донодан сўрашди:

— Бу оламда энг оғир ва ёмон нарса нима?

— Олам бекатсиз манзилга ўхшайди, — деди доно, — то сўнгги манзилга етгунча ёлғиз қолиш — энг оғир ва ёмон ҳолат деб билинади.

⊙ Одам боласи яшашдан мақсади йимма эканини билса, унинг ҳаёти қизиқ ва мазмунли кечади.

Фарзандга насиҳатлар

⊙ Ақл-идрокни яхшиликка хизмат қилдиринг, дилни пок тутинг.

⊙ Нафс жиловини ирода кучи билан бошқаринг, баднафслик қилманг.

⊙ Дўстларнинг асилини танланг, камчиликлари бўлса ётиғи билан тушунтиринг, уларга ёмон кўз билан қараманг.

⊙ Ҳаром-ҳаришдан, фисқу-фасоддан, гина-кудратдан йироқ юринг.

⊙ Катгани ҳам, кичикни ҳам ўз ўрнида ҳурмат қилиб, иззат-икром кўрсатинг.

⊙ Бирор ишга бел боғлаб киришдингизми, уни охирига етказмагунча қўлдан бой берманг.

Тўртлик:

Давр оқиб ўтар жўшқин дарёдир,
Ёмонлик жонга жавру-жафодир.
Сенга бағишладим бир азиз калом:
Яхшиликнинг умри доим бақодир».

Абдураҳим УМАРОВ тайёрлаган.

Воқеа арафасида

Мўъжизакорлар халқ хизматида

● Шу йил, 11 сентябрь куни Ленин номидаги СССР халқлари дўстлиги саройида умумий ва амалий химия бўйича XIV Бутуниттифоқ Менделеев съезди очилади. Бундай катта анжуманнинг пойтахтимизда ўтказилиши республикада химия фани ва саноати кенг ривож топгани, энг муҳими, етук кимёгар олимлар етишиб чиққанлигини яққол кўрсатиб турибди.

Воқеа арафасида «Тошкент оқшоми» мухбири съезд ташкилий комитети раисининг ўринбосари, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг вице-президенти З. С. Салимовга бир неча савол билан мурожаат қилди.

— Зокиржон Салимович, съездга Менделеев номи берилгани улуғворлик, ўзгача руҳ бағишлаб турибди. Шундай эмасми?

— Албатта. Буюк рус олими ўз кашфиётлари билан жаҳон фанининг улкан намояндалари Беруний, Коперник, Ибн Сино, Дарвин, Ломоносов, Эйнштейн, Циолковскийлар сафидан ҳақли равишда жой олган. Анжуман биринчи марта 1907 йилда Д. И. Менделеев хотирасига бағишлаб ўтказилган эди. Шундан буён анъанага айланиб, мамлакатимизнинг турли шаҳарларида ташкил этилмоқда. Кимёгарлар баҳси ҳар доим, сўзсиз, фаннинг ривожи, олимлар ўртасидаги илмий ҳамкорликнинг янада мустаҳкамланишида катта аҳамиятга эга бўляпти.

Навбатдаги съезднинг республикамизда ўтказилаётгани бежиз эмас. Совет ҳокимияти йилларида Ўзбекистон йирик, кўп тармоқли химия марказига айланди. Чирчиқ, Навоий, Самарқанд, Қўқон, Олмалиқ ва бошқа қатор шаҳарларда кимё корхоналари барпо этилди.

Дастлаб Ўзбекистон ССР Фанлар академияси қошида химия институти ташкил этилди. Унинг лабораториялари асосида кейинчалик ўсимлик моддалари химияси, Пахта целлюлозаси химияси ва технологияси, Ўрта Осиё нефтни қайта ишлаш саноати, Биоорганик химия, Полимерлар химияси ва физикаси институтлари вужудга келди. Ҳозирги кунда кимё соҳасидаги изланишларда олимларимизнинг катта гуруҳи иштирок этмоқда. Булар орасида Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг 14 академиги ва мухбир аъзоси, 100 дан ортиқ фан докторлари, 1800 нафар химия ва техника фанлари номзодлари бор. Қўлга киритаётган ютуқлар ҳамда кашфиётларимиз бизга ажойиб мерос қолдирган Д. И. Менделеев номи билан боғлиқдир.

— Делегатлар ҳукмига ҳавола этиладиган асосий масалалар нималардан иборат?

— Аввало шуни айтиш лозимки, анжуман ишида Америка Қўшма Штатлари, Англия, Франция, Италия, Германия Федератив Республикаси, Япония, Канада, Австралия, Хитой Халқ Республикаси, Польша, Чехословакия, Куба каби 27 та чет эл давлатларидан 150 нафар етакчи кимёгарлар, мутахассислар қатнашади.

Бир ҳафта давом этадиган съезд мажлисларида йирик олимлар ва саноат раҳбарларининг замонавий химия ва химиявий технологиянинг долзарб муаммоларига бағишланган докладлари тингланади. Химия фанининг турли соҳалари бўйича илмий ахборотларни муҳокама қилиш учун еттита секция ташкил қилинган. Секцияларда «Химия фанининг фундаментал муаммолари», «Янги конструктив ва функционал материаллар», «Янги химиявий технология ва биотехнология процесслари», Агросаноат комплексининг химиявий муаммолари, «Медицина муаммоларини ҳал этишда химиянинг вазифаси», «Химия ва экология», «Химиявий таълим муаммолари» каби масалалар муҳокама қилинади.

Съезд программасига кўра бир неча матбуот конференциялари, учрашувлар, мунозаралар уюштирилади. Делегатларнинг республика Фанлар академияси илмий ходимлари билан учрашувлари, В. И. Ленин номли Тошкент Давлат университети ва Тошкент политехника институти студентлари ҳузурида бўлишлари, Чирчиқдаги «Электрохимпром» ишлаб чиқариш бирлашмаси ишчилари билан суҳбат ўтказишлари ва бошқа тадбирлар кўзда тутилган.

— Ўзбекистонлик кимёгар олимлар узоқ анжуманга қандай совғалар билан келишди?

— Ҳозирги кунда шўр тупроқларда юқори самара берадиган азотли, фосфорли ва калийли минерал ўғитларнинг янги навларини яратиш энг долзарб вазифалардан бири ҳисобланади. Бу борада Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги М. Н. Набиев раҳбарлигида диққатга сазовор ишлар амалга оширилмоқда. Кимёгарлар томонидан яратилган аммофос олиш технологияси ёрдамида Олмалиқ химия заводида ҳамда Чирчиқдаги «Электрохимпром» ишлаб-чиқариш бирлашмасида карбомиднинг хоссасини унинг таркибига мочевина формальдегид смоласи қўшиб яхшилаш усули жорий этилди. Бу усул орқали олинган карбомид сифати дунё стандартлари даражасига мос келади.

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси академиги К. С. Аҳмедов раҳбарлигида олиб борилаётган изланишлар сирт-актив бирикмалар, полиэлектролитлар, боғловчи моддалар, флокулянтлар, адсорбентларнинг янги турларини яратиш, дисперс системалар, ютилиш жараёнларини ўрганишга қаратилган. Кейинги йилларда талай сирт-актив бирикмалар ва полиэлектролитлар Чирчиқдаги «Электрохимпром», «Навоиазот» ишлаб чиқариш бирлашмаларида ишлаб чиқарилмоқда.

Ўсимлик моддалари химияси институти олимлари олдига ўсимликлардан химиявий маҳсулотларни ажратиб олиш усулларини ишлаб чиқиш, олинган маҳсулотлардан халқ хўжалигида кенг фойдаланиш вазифаси қўйилган эди. Ҳозирги кунгача коллектив томонидан мингдан ортиқ бирикма ажратиб олинди.

Биоорганик химия институтининг ташкил этилганига эндигина 16 йил бўлди. Аммо илмий даргоҳда эришилган ютуқлар доврўғи ҳорижда ҳам маълум. Олимлар ҳозирги замон биоорганик химиясининг муҳим йўналишлари бўйича изланиб, цитотоксин, нейротоксинлар, нуклеин кислоталарининг турли биологик системалар билан таъсирини ўрганиш, турли хил вирусларга қарши кураш воситалари яратиш йўлида яхши натижаларни қўлга киритишаяпти. Шунингдек, пахта чигитидан ажратиб олинадиган госсипол моддаси асосида турли хил дори-дармонлар олиш устида ҳам ишламоқдалар.

Республикамизда юқори молекулали бирикмалар химияси 1946 йилда Тошкент Давлат университети лабораторияларида пахта целлюлозасини ўрганиш билан боғланган эди. Эндиликда пахта целлюлозаси, ацетат толаси, халқ хўжалигининг турли тармоқлари учун зарур бўлган бошқа материалларнинг янги турлари Пахта целлюлозаси химияси ва технологияси илмий-тадқиқот институтида олинмоқда. Дастлаб Ўзбекистон ССР Фанлар академияси академияси Ҳ. У. Усмонов раҳбарлигида бошланган бу ишларни эндиликда Ўзбекистон ССР Фанлар академияси мухбир аъзоси Ю. Т. Тошпўлатов бошқараяпти. Кейинги йилларда институт олимлари томонидан юқори сифатли пахта целлюлозаси олиш, унинг сифатини яхшилаш технологияси яратилди ва мамлакатимиздаги ўнлаб корхоналарда ишлаб чиқаришга жорий этилди.

Бундай қувончли ютуқлар Полимерлар химияси ва физикаси институтида ҳам қўлга киритилмоқда.

— Муаммолар ҳам бўлса керак...

— Улар жуда кўп. Мен энг муҳимларини айтиб ўта қолай. Кам тарқалган ва ноёб кимёвий элементларни маъданлардан ажратиб олишнинг самарали усулларини яратиш, саноат ва қишлоқ хўжалиги чиқиндиларини қайта ишлаш натижасида халқ хўжалиги учун муҳим бўлган материаллар олиш, чиқиндисиз ва кам энергия талаб қиладиган технологик жараёнларни ишлаб чиқишимиз лозим. Ҳозир табиат муҳофазаси муҳим масала бўлиб турибди. Олимларимиз атроф-муҳит ва инсон саломатлиги учун зарарсиз ҳамда кам миқдорда сарфланадиган ўсимликларни ҳимоя қилишнинг кимёвий воситаларини, саноат чиқинди ва оқова сувларини тозалаш учун самарали сирт-актив бирикмаларни яратиш устида ишлаётган олимлар етишиб чиққанлигини яққол кўрсатиб турибди.

Воқеа арафасида «Тошкент оқшоми» мухбири съезд ташкилий комитети раисининг ўринбосари, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг вице-президенти З. С. Салимовга бир неча савол билан мурожаат қилди.

Ном ҳам—ҳусн

Фақат «Қизил китоб»да қолмасин

Шаҳримиз кўчаларини айланар экансиз, халқимизнинг тарихи, маданияти, урф-одати ўзига жалб қилади. Бироқ айрим атамә номларга нигоҳингиз тушганда, ўзингизни аллақандай нохуш ҳис этасиз. В. Малясов, Е. Стемпковская номли кўчалар борки, бу номларнинг тарихи бизга маълум. Ўзбекистонлик бу жасоратли ёшларнинг Улуғ Ватан урушидаги қаҳрамонликларини ким сўрамасин фахрланиб, тўлқинланиб изоҳлаб бериш осон. Аммо Олой бозори яқинидаги кўчаларнинг номи нима учун Каблуков, Широкая деб аталишини ҳамма ҳам билавермайди. Шу боисдан кунларнинг бирида хорижий меҳмонлар олдида мулзам бўлиб қолишга тўғри келади.

Маълумки, Тошкентда зилзиладан кейинги давр ичида изоҳини талаб қиладиган массивлар, кўчалар ҳам жуда кўпайиб кетди. Масалан, Замарин, Черданцев, Лисунов, Айрнев, Морозовлар ким? Ўзбекистон, хусусан Тошкент шаҳри учун уларнинг қандай бевосита алоқаси бор? Бу, албатта, аниқ жавобни кутади. Бизнингча, ҳар бир кўчанинг бошланишига кичикроқ бўлсада тахтачада изоҳи берилган ёзувлар қўйилса, айни муддаодир.

Очиқ айтиш керакки, Тошкент шаҳрининг Куйбишев, Ленин, Ҳамза ва Киров районларида Ўзбекистон руҳи деярли кам сезилади. Масалан, метронинг «М. Горький» бекатидан чиқиб, то Қорасув массиви томонга йўл олингиз, айтилган фикрнинг гувоҳи бўласиз. «Салом» чойхонасигача бўлган оралиқдаги кўча номлари Россия шаҳарларининг номи билан тиқилиб кетган. Севастополь, Ростов-Дон, Смоленск, Полтава ва бошқа шу кабилар орасида биргина Олтин тепа номигина кўзга чалинади. Бу ном нотўғри, яъни «Алтитепинская» тарзида ёзиб қўйилган. «Олтин тепа» ҳозиргидек икки кўчани боғловчи кичик кўча (проезд) эмас, у каттагина мавзе бўлиб, у Шўртепа билан қўшилиб уланиб кетган.

Кейинги йилларда, айниқса, 80-йилларда шаҳримизда янги автобус маршрутлари пайдо бўлди. У метронинг «М. Горький» бекати билан Ясний, Солнечний, Южнийларни боғлайди. Шубҳасиз, автобус бинонинг ёзилган янги номларни кўриб «Ясний», «Солнечний» қаерда экан дейсиз ва Тошкент областидаги Солнечний посёлкаси оралиғида янги маршрутлар очилибди-да деган хаёлга борасиз. Бу саволга фақат шу номнинг ижодкорлари қийналмай жавоб бериша олади. Кўпгина шаҳарликлар эса справкалар бюроси орқалигина аниқлашлари мумкин. Маълум бўлишича, Ясний, Солнечний, Южнийлар ҳозирги «ТТЗ»нинг ери эди ва унга янги бўлган янги истиқомат турар жойларига қўйилган номлар экан.

Маълумки, Южний, Ясний ва Солнечний деб ном олган микрорайонлар Қорасув бўйлари ва Бешкапа деб юритиладиган мавзега тўғри келади. Ҳақиқатан ҳам бу ерда ўзини Бешкапалик ҳисобловчи саноқли хонадон сақланган бўлиб, у ҳозир Южний турар жой билан қўшни, ёнма-ён. Бешкапанинг ўзига хос тарихи бор. Бир пайтлар 5—6 оила шу ерга кўчиб келган, ободончилик билан шуғулланган. Кейинчалик бешкапаликлар хонадони кўпайган, ниҳоят мавзе даражасига кўтарилган ва Қорасувнинг тўқайзорлари камайиб, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирадиган манбага айланган. Эндиликда эса у русча номлар билан аталмоқда. Бешкапа сўзи ёқмади дейлик. Бунинг ўрнига Гулобод, Гулбог ёки Навбаҳор, Нурафшон тарзда юритилса бу номлар мазмун билан мос тушарди-ку!

Дилдагини айтиш керакки, шаҳримиздаги кварталларни математик рақамлар асосида бўлиниши ҳар бир тошкентликнинг ғашига тегмоқда. Тошкентнинг даҳа ва мавзеларини бундай тартибда ифодалашга барҳам бериш зарур. Бизнингча, массив сўзининг ўрнида даҳа сўзини қўллаш мақсадга мувофиқ. Зеро, даҳа сўзи тарихий мавзудаги бадиий асарлар тилидагина эмас, матбуот саҳифаларида, сўзлашув нутқида ҳам кенг қўлланишини таъминлашга ҳаракат қилиш керак. Форс-тожик тилидан бир пайтлар ўзлаштирилган бу сўз тилимизга жуда сингиб кетган. У мазмунига кўра бир неча кварталларнинг йиғиндисига мос келади. Шунингдек, тилимизда мавзе деган сўз борки, у маҳалладан катта территорияни билдиради. Менимча, квартал ва посёлка сўзини «мавзе» билан алмаштирилса ёмон бўлмасди. Бекорга кексаларимиз ҳали ҳам «Яланғоч мавзеси» деб аташмайди. Уз аниқловчисига эга бўлган даҳа ва мавзе сўзларидан фойдаланиш аввало миллий руҳни ифодаласа, атама номларнинг ўз ҳолида тикланишига олиб келади, қолаверса, хатолар, чалкашликларга барҳам беради. Бу ўринда шаҳримиз жамолининг истиқболини аввалдан лойиҳалаб, унга ном беришда ўз ҳиссаларини қўшувчиларга эътироз билдириш ўринли. Чунки улар қоғозда бунёд этилаётган даҳа ва мавзеларни кўпинча рақамлаштирган ҳолда матбуотда бизни таништирадилар. Яқинда «Тошкент оқшоми» газетасида Эски шаҳар жамолининг бўлажак кўрки ҳақидаги хабарда яна «А-1, 2, 3, 4» тарзида бўлиниши айтилган. Лойиҳалар билан бирга ўзининг асл ўзбекча номини тавсия қилиниши керак. Шунда Эски Жўва, Чорсу, Хадра, Қоратош, Чақар, Жангоҳ, Қашқар, Шайхонтоҳур, Урда каби биз учун азиз бўлган топонимик номлар тирилган, уларга ҳақиқий жон ато этган бўлинарди. Назаримизда, «Марказ —4, 5» атрофини Қашқар, «Марказ—12, 13»ларни, Шайхонтоҳур, «Марказ—14» ва шу атрофдагиларни Хадра даҳаси ёки мавзеси деб атапса, тарихга бўлган ҳурмат, тилимизда ҳам қўлланаётган топонимик номларни эъзозлаш бўларди-ку!

Сир эмас, бир пайтлар, аниқроғи 1966 йилги зилзилага қадар «Динамо» спорт магазини билан Авиасозлик заводи оралиғида Отбозор, Қаймоқ бозори маҳаллалари мавжуд эди. Анҳордан бошлаб шу маҳаллалар ва Октябрь район ижроия комитети биноси атрофлари «Урда» деб юритилардн. Ҳақиқатан ҳам Урда номига яраша шаҳарнинг марказий қисми ҳисобланарди (ҳозир ҳам бу районлар шаҳарнинг маркази, Октябрь районининг бошланиши). Кейинги вақтларда Урда номи деярли унутилди. Ҳатто Урда бекати «Набережная анхор»га айланиб кетди. Камлик қилгандек, Анҳор бўйлари «Набережная анхар» кўчаси деб ном олган. Бизнингча, биринчидан «Набережная анхар» эмас, Урда кўчаси, иккинчидан юқорида тилга олинган маҳаллалар атрофини «Урда мавзеси»га айлантириш асқотади.

Маълумки, маҳаллаларнинг номи кўпинча уруғ-қабила номлари билан боғлиқ эди. Қиёт, Қор ёғди маҳаллалари шулар жумласидан. Бу маҳаллалар бузилиб, улар ўрнида «Пахтакор» стадиони, Давлат таъминоти комитети, Октябрь район партия комитети ва политехника институтининг бинолари қурилганини ҳозирги пайтда қайси ёшлар билади? Қадим-қадимдан авлоддан-авлодга ўтиб келган бу номларни қайта тиритиришнинг иложи бор. Уша даҳаларда турар жой бинолари ҳам мавжуд. Шу истиқомат қилувчи жойларда маҳаллалар тузиш, маҳалла бор бўлса, шу маҳаллаларга Қор ёғди, Қиёт номини бериш даркор.

Ҳозирги кунларда янги бунёд этилаётган турар жойларнинг номларини ҳам жиддий ўйлаб кўришга тўғри келади.

Хуллас, иттифоқимизнинг бошқа ерларида катта-кичик шаҳар, район номлари эски, аввалги тарзига келтирилаётганидек, шаҳримиздаги массив ва квартал, проспект ва кўчалар, маҳаллалар номида миллий руҳ ўз ифодасини топса, қадим-қадимдан яшаб келган номлар «Қизил китоб» саҳифасидан ўрин олмаса, фақат тарих ва бадиий асарлардагина қўлланилмаса, деган холис ниятимиз бор.

Нодира ЁҚУБОВА,
илмий ходим.

Сизнинг фикрингиз қандай?

Маълумки, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг атамалар комиссияси мажлисларида шаҳримиздаги кўча ва майдонлар, квартал ва массивларнинг номларини тартибга келтириш, уларни бундан буён қадимги келиб чиқиш номлари билан аташ масалаларини кизғин ва ишчанлик билан муҳокама қилинмоқда. Комиссия мажлисининг яқинда бўлиб ўтган мажлиси ана шу фикримизнинг яққол исботидир. Шу мажлисда район Совети ижроия комитетларига маҳалла комитетлари ва муайян кўчаларда истиқомат қилувчи аҳоли билан келишган ҳолда номларни аташ юзасидан ўз фикр ва мулоҳазаларини билдириш вазифаси топширилди. Масалан, шаҳримиздаги 1-Калинин, 2-Калинин массивларининг аҳолиси массивга Ибн Сино номини бериб, 1- ва 2-квартал деб аташни таклиф этганлар. Высоковольт массивининг айрим кишилари ўз массивларини бундан буён «Яланғоч массиви» деб қайта номлаш таклифини билдирганлар. Атамалар комиссияси ана шу билдирилган таклифлар юзасидан шу массивларда истиқомат қилувчи кўпчилик аҳолининг фикр ва мулоҳазаларини билишни истайди.

Атамалар комиссияси архитектура ва шаҳарсозлик Бош бошқармаси билан биргаликда Сергели район Совети ижроия комитетига илтимос билан мурожаат қилиб, 1, 2, 3-Сергели номларини тартибга келтириш масаласини қараб чиқишни сўради. Биз ҳам ана шу жойларда истиқомат қилувчи аҳолидан ва шаҳримиз меҳнаткашларидан шу борадаги таклиф ва мулоҳазаларини кутамиз.

